**● ҚАРОР ВА ИЖРО**

# ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ

***Шу йил бошида Вазирлар Маҳкамасининг «Республика матлубот кооперацияси тизимида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги камчиликлар ҳақида» ҳамда апрель ойида «Қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишда «Ўзбекбирлашув» фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатларда қишлоқда яшовчи меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишда рўй бераётган камчиликлар кўрсатиб ўтилган, уларни бартараф этиш юзасидан соҳа ходимлари олдида турган вазифалар белгилаб берилган эди. Бу борадаги ишларнинг қандай бораётганлигини баҳолаш учун етарли вақт ўтди.***

Самарқанд вилояти матлубот кооперацияси ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси Қаҳрамон Нуриддинов шундай ҳикоя қилади:

-- Зиммамизга қишлоқ аҳлини кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Бу шарафли бурчни чуқур англаган ходимларимиз айни пайтда ўз зиммаларига юкланган вазифаларни уддалаш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг матлуботчилар фаолиятига қаратилган қарорлари бунда уларга дастуруламал бўлмоқда.

Гап шундаки, кейинги йилларда савдо соҳасидаги тартиб-интизомнинг бузилиши, соҳани ўз ҳолига ташлаб қўйилиши натижасида қишлоқда савдо-сотиқ деярли издан чиқиб қолаётган эди. Пайчилар мулкининг «Кимошди» савдосига қўйилиши, дўконларнинг хусусий қилиб берилиши айрим ходимларимизни шошириб қўйди. Бунинг устига таъминотдаги узилишлар, фондларни ўз вақтида етарли ажратилмаслиги топшириқлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатди. Яъни, «рақобат» деб аталмиш катта синовга ходимларимиз дош бера олмай қолди. Айрим «ишбилармонлар» ниқобидаги чайқовчилар, олибсотарлар эса бундан устамонлик билан фойдаланди. Республика ҳукумати бу номутаносибликни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида шошилинч чора-тадбирлар кўрдики, бу фаолиятимизда ижобий ўзгаришлар ясаш имконини бермоқда.

Фикримни тасдиқлаш мақсадида айрим рақамларни келтираман. Биргина шу йилнинг етти ойи мобайнида икки миллиондан зиёд кишига савдо хизмати кўрсатдик. Бу вилоят аҳолисининг 80 фоизини ташкил этади. Товар айланиш режаси 3 миллиард сўмдан ошиб кетди ёки ўтган йилга нисбатан ҳозирдаёқ 2,2 баравар ортди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизмат 1500 сўмдан кўпроқ бўлди. Шахсий айланма даромадларимизни 210 миллион сўмга етказиб, банкдан олган узоқ муддатли қарзимизни 60 миллион сўмга камайтиришга муваффақ бўлдик. Шу аснода қишлоқ аҳолисига 14 минг тонна ун, 5 минг тонна гуруч, 5 минг тонна шакар, 9 минг тонна ўсимлик ёғи, 3 минг тонна совун сотилиб, уларнинг ана шу кундалик эҳтиёж молларига бўлган талаби деярли қондирилди. Эндиликда улар озиқ-овқат учун туман маркази ёки шаҳарга бориш ташвишидан қутилди. Чунки баъзи тақчил маҳсулотларни ўзимиз ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир уларнинг сифатини яхшилаш, жаҳон андозалари даражасига етказиш учун изланмоқдамиз. Қўшма корхоналар бунда истиқболга йўл очиши шубҳасиз.

Матлубот тизимимизда хусусийлаштириш жараёни чуқурлашиб бормоқда. 123 та ҳиссадорлик жамиятида қимматли қоғозлар сотилмоқда. Консерва заводларимизда ҳам ишлар қизғин бормоқда. Бироқ аҳволни барча туманларда ҳам бир хил деб бўлмайди. Масалан Гўзалкент, Пайариқ, Тайлоқ туманларида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Биз уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш режасини туздик. Хуллас, давр тақозосидан келиб чиқиб, меҳнаткаш халқимизга намунали хизмат кўрсатиш учун бутун имкониятларни ишга солаверамиз. Қолаверса, яқинда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам ишимизда туб бурилиш ясашда муҳим омил бўлади, деган умиддамиз.

**Ҳамза ШУКУРОВ (ЎзА) суҳбатлашди.**

## ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

# ЯНГИ АСРГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ БИЛАН

***Сўнгги ойлар ичида жаҳон оммавий ахборот воситалари АҚШ билан Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари муносабатлари хусусида бот-бот ахборот тарқатмоқдалар. Улар ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишини тахмин этмоқдалар.***

Хўш, нега улар кўпгина ахборотларда ёнма-ён тилга олинаётир. Июль ойида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг АҚШга расмий ташрифи, куни кеча Оқ уйда ўтказилган Президент Б. Клинтон билан Озарбайжон раҳбари Ҳ. Алиевнинг учрашуви, август ойи ўрталарида бўлиши кутилаётган АҚШ-Арманистон музокаралари, қолаверса, шу йилнинг кузига режалаштирилган Хиллари хонимнинг Марказий Осиё республикалари бўйлаб сафари — бунинг барчасидан узвийлик, умумийликни пайқаш қийин эмас.

Шу йилнинг 21 июлида АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Строб Тэлботт Жонс Хопкинс университети қошида бундан ўн ой муқаддам ташкил этилган Марказий Осиё институтида баёнот берар экан, Кавказ ва Марказий Осиё минтақасида демократиялашув жараёни ва иқтисодий ислоҳотлар барқарор кечаётганини таъкидлаган. С. Тэлботт Президент Клинтон маъмуриятининг тўрт ярим йиллик фаолиятида мазкур минтақа мамлакатлари билан бўлган муносабатларига тўхталиб, улар ўта самимий эканлигини билдирди. Агар улар сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлида собит қадам ташлар экан, биз улар билан биргамиз, деди у.

Аслида ҳам шундай. Ҳали Буш Президентлиги пайтидаёқ АҚШ ҳукумати бу мамлакатларда биринчилардан бўлиб ўз элчихоналарини очди. 1992 йилдан ҳозирга қадар АҚШ маъмурияти Марказий Осиё ва Кавказдаги саккизта мамлакатга бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида 2 миллиард 200 миллион доллар миқдорида ёрдам кўрсатди.

Юқорида ушбу минтақаларга нисбатан давлат департаментининг муносабатини баён этдик. АҚШ Конгресси сенаторлари бунга қандай қарашмоқда?

Бундан икки ҳафтача муқаддам Вашингтондаги Хэритидж Фаундейшнда Канзас штатидан сайланган ёш республикачи сенатор Сэм Браунберг ўз маърузасини Кавказ ва Марказий Осиё республикалари билан АҚШ муносабатларига бағишлади. У ўз нутқини «Ипак йўли стратегияси: Евроосиёда Америка ташқи сиёсати» деб номлади. Сенатор АҚШ учун мазкур минтақа стратегик, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги, шу боис АҚШ ташқи сиёсати ана шунга йўналтирилмоғи лозимлигини таъкидлаган.

Яна бир сенатор Смит Конгресс йиғилишида Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия ёки Озарбайжон республикалари билан АҚШ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш даркорлигига эътиборни қаратди.

Шу ўринда яна Строб Тэлботтнинг баёнотига қайтсак. «Биз бугунги кунда ушбу минтақанинг тараққиёти учун қатъий ҳаракат қиламиз ва кўмак берамиз. Бу 1998 йил учун янги мустақил давлатларга ёрдам кўрсатиш бўйича кенгайтирилган режамизда устувор этиб белгиланиб, Конгрессга тақдим этилган. Биз Конгрессдан ёрдам кўрсатиш ҳажмини 900 миллион долларгача кўпайтиришни сўраймиз. Ушбу қўшимча ресурслар юқорида тилга олинган минтақалардаги демократиялаш жараёни ва иқтисодий ислоҳотлар янада самарали бўлишига имкон беради. Расмий маълумотларга кўра, юқорида таъкидланган маблағ ҳисобига АҚШ ушбу минтақаларга ёрдам кўрсатишни 40 фоизга оширар экан.

Агар АҚШ-Ўзбекистон муносабатларига чуқурроқ ёндашсак, икки томонлама ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётганини кўзатишимиз мумкин. Айниқса, 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди. Республикамиз Президентининг АҚШга ташрифи жуда самарали ва муваффақиятли ўтди. Мамлакатимиз раҳбарининг Президент Билл Клинтон билан учрашуви эса алоҳида аҳамиятга молик. Музокаралар давомида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан кенгашиб олинган эди.

АҚШлик ҳамкорлар республикамиздаги иқтисодий ислоҳотларни қувватлабгина қолмай, балки бу йўналишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ҳозирда АҚШнинг 200дан ортиқ компания ва фирмалари мамлакатимизда муваффақиятли иш олиб бормоқда. Уларнинг республикамиздаги бир неча йирик иншоотларнинг фаолият юргизиши ва қурилишида кўрсатаётган ёрдами ҳам эътиборга лойиқ.

Агар муносабатларимизнинг яқин истиқболига назар ташласак, уларнинг барқарор эканлигига яна бир бор амин бўламиз. АҚШ Давлат котиби ўринбосари С. Тэлботтнинг айтишича, яқин ойларда Тошкентда АҚШнинг табиатни ҳимоя қилувчи минтақавий ваколатхонаси очилар экан. Шу билан бир қаторда коллектив хавфсизлик соҳасида ҳам тадбир ўтказилиши кутилмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ҳарбий хизматчиларидан ташкил топган Марказий Осиё тинчликни таъминловчи батальони АҚШ, Россия, Туркия ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик доирасида тинчликни сақлаш мақсадида қўшма машқлар ўтказадилар.

Қадимда Хитой, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларини боғлаган Буюк Ипак йўли айнан биз яшаётган ҳудуддан ўтган. Бу йўл ҳозирда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган. Шу боис ҳам АҚШ ҳукумати Евроосиё транспорт йўлагини тезроқ ишга тушириш тўғрисидаги давлатимиз раҳбарининг ташаббуси маъқулланмоқда. Марказий Осиёдаги эркин иқтисодий ҳудуд доирасида умумминтақавий бозор ташкил этишга ундамоқда. Буни мамлакатимиз олиб бораётган сиёсатнинг тўғрилигига берилган одил баҳо, деб тушунмоқ керак.

**Холмурод АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ИККИ ҚУТБ ОРАЛИҒИДА

**● АКС-САДО**



***Профессор Ҳ. Кароматовнинг «Қурбонлик қилинг — унинг қурбони бўлманг» («Халқ сўзи», 1997 йил 30 июль) мақоласини ўқиб, кўнглимда кўп вақтлардан бери тугиб юрган фикрларимни тўкиб солиш нияти туғилди.***

# КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Аввало, муаллифга ҳам, мақолани чоп этган рўзнома муҳарририятига ҳам минг раҳмат. Мақолада ўта долзарб масала атрофлича ёритилган ва айнан ушбу мавзунинг ўта долзарблиги ҳали кўп муҳокама-мунозараларга сабаб бўлиши аниқ.

Мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтиш йўлидан илдам илгарилаётган республикамизда қурбонлик қилиш, хайр-эҳсон удумларини адо этиш каби амалиётлар тобора кенгайиб бормоқда. Бу, албатта, биринчи навбатда халқимизнинг фаровонлиги даражаси ўсиб бораётганлигига ишорадир. Иккинчи тарафдан эса, қурбонлик, хайр-эҳсон қилиш қатор масалаларга бевосита боғлиқки, уларни сиз газетхонлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида масжидлар қуриш одат тусига кирди. Баъзи савобталаб юртдошларимиз шахсий жамғармалари ҳисобига масжидлар қурдириб, маҳаллаларнинг жамоаларига тақдим этдилар. Ушбу жараён ҳозир ҳам республикамизнинг баъзи жойларида давом этмоқда. Натижада диёримизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини айлансангиз, қулф осиб қўйилган ва ҳувиллаб ётган, қурилиши ниҳоясига етказилмаган масжидларга кўзингиз тушади ва беихтиёр йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг бундан икки йил аввал ана шу мавзуда куйиниб гапирганларини эслайсиз. Чиндан ҳам савоб топиш учун, албатта масжид қуриш шартмикан?! Ахир буюк боболаримиз Амир Темур, Улуғбек, Навоийлар нафақат масжидлар, балки биринчи ўринда йўллар, шифохоналар, карвонсаройлар, кўприклар қурдирганлар, етим-есирларга ёрдам кўрсатишни, ишсизларга иш беришни савоб деб билганлар. Масжидларнинг сонини эҳтиёжга яраша етказган ҳолда, имкониятларимизни ана шундай савоб ишларга йўналтирсак бўлмайдими? Шўролар даврида сифатига ҳеч бир эътибор берилмай қурилган йўлларнинг, кўприкларнинг, шифохоналарнинг ва бошқа ижтимоий иншоотларнинг аҳволи ҳаммамизга маълум. Лекин, минг афсуски, фалончи тадбиркор фалон чақирим йўлни ёки фалон кўприкни обод қилибди, қишлоғидаги ёки туманидаги шифохонани таъмирлабди, мактаб ёки етимхонанинг иссиқлик тармоғини янгилабди, деган гапларни деярли эшитмаймиз.

Яқинда канадалик хонанда Селин Дионнинг қўшиқлари ёзилган магнит тасмаси қўлимга тушиб қолди. Тасма солинган қутининг устига «Мазкур кассеталарнинг сотувидан тушган маблағ тўлалигича аёлларда учрайдиган хавфли ўсма (рак) касаллигини тадқиқ қилувчи марказ ихтиёрига ўтказилади», деб ёзиб қўйилибди. Канада-ку дунёнинг энг бадавлат ва маъмур давлатларидан ҳисобланади. Бироқ бизнинг нав-ниҳол мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча муаммоларни ҳал қилишни биргина давлатнинг ўзига ташлаб қўйиш тўғримикан? Донғи оламга кетган, концерт залларимизни ва тўй-томошаларимизни обод қилаётган хонандаю созандаларимиз савоб учун ҳеч бўлмаса болалар шифохоналарини оталиққа олсалар бўлмасмикан? Ҳамонки, ўтиш даврининг вақтинчалик қийинчиликларини енгиш умумхалқ иши экан, асрий анъаналаримизни давом эттириб, муҳтожларга ёрдам кўрсатадиган масканлар яратиб, ҳеч бўлмаса байрамларда муҳтожларга хайр-эҳсон ҳисобидан озиқ-овқат ва кийим-кечаклар тарқатишнинг наҳотки иложи бўлмаса? Америка Қўшма Штатларидек, Канада ёки Франциядек бой-бадавлат мамлакатларда ҳам турли хил хайрия ташкилотлари, шу жумладан, черковлар ва масжидлар ана шунингдек хайрли ишларни бой-бадавлат кишиларнинг, адабиёт, санъат намояндаларининг ва оддий халқнинг кўмаги билан амалга ошириб келмоқдалар. Фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган Рокфеллердек инсон ҳам тадбиркорлик орқасидан топган биринчи 200 долларнинг ўн фоизини хайрия йўлига сарф қилган ва миллиардер Рокфеллерлар хонадони ҳозирги кунга қадар даромадларининг ўн фоизини хайрия ишларига сарфлар экан. Хайр-эҳсон қилиш, қилганда ҳам эътиқод билан қилиш Аллоҳга ҳам, бандасига ҳам манзур ва мақбул бўлиши шубҳасиз.

Қон чиқариб қурбонлик қилишни истаган ва шунга имкониятлари йўл берадиган юртдошларимизни эса, фақат бир нарсага -- тежамкорликка, ақл билан иш тутишга чақирган бўлардим.

**Ш. МИНОВАРОВ.**

Тошкент шаҳри.



***Боғдод туманидаги Эркинжон Усмонхўжаев номли жамоа хўжалиги аъзолари Инсон манфаатлари йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бу борада хўжалик бошқаруви, мутахассислар деҳқонлар билан бамаслаҳат иш юритмоқдалар. Хўжаликнинг 1- бригадаси аъзолари тасарруфларидаги пахта майдонларининг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олишни кўзлаган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир бутун хўжаликда бўлгани каби бригадада ҳам ғўзаларга сифатли ишлов бериш, оби-тобида суғориш жадал олиб борилмоқда.***

**СУРАТДА:** *бригада механизатори Абдусалом Йўлдошев.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** *олган сурат.*

# ЛОҚАЙДЛИК

## Бу иллат туфайли Қашқадарёда кўплаб корхоналар инқироз остонасига келиб қолди

Қаршидаги «Санам» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти Қашқадарё вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бир вақтлар донг таратган бирлашмада бугун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетди. Устига устак, дебитор ва кредиторлик қарзлари ҳам кун сайин ошиб бораяпти. Сабаб?

Келинг, гапни иккинчи масаладан бошлаб қўя қолайлик. Корхона мутасаддилари, хусусан, унинг раиси Нарзулла Холмўминовнинг «ҳотамтой»лиги туфайли қарийб 19 миллион сўмлик кийим-кечак ҳисоб-китоб қилинмасдан ўнга яқин ташкилотларга бериб юборилган. Жумладан, Қаршидаги ёғочни қайта ишлаш заводига 1,6 миллион сўмлик, «Қаршиқурилиш» бирлашмасига қарашли 6-механизациялашган кўчма жамланмага 2080 минг сўмлик маҳсулот «ҳадя» этилган. «Жаҳонгир Файз» хусусий фирмасининг уддабуро етакчилари эса ҳиссадорлик жамияти раҳбарларининг кўзини шамғалат қилиб, бир тийин ҳам тўламай, 1,3 миллион сўмлик маҳсулотни олиб кетишган.

«Санам» ҳам ўз навбатида қатор корхоналардан, хусусан, Тошкент, Бухоро тўқимачилик комбинатлари, Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасидан бир неча миллион сўм қарздор. Бу ҳол, табиийки, ишлаб чиқариш кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатмоқда. Негаки, корхонага газламадан ташқари яна бошқа хомашё ва маҳсулотлар зарур. Дейлик, кўйлак тикиш учун ип, игна ва тугма керак. Банкдаги ҳисобида бир тийин бўлмаса, қандай қилиб буларни сотиб олиш мумкин?

Ачинарли томони шундаки, ҳозир ҳиссадорлик жамияти омборларида қарийб 10 миллион сўмлик тайёр кийим-кечак тахланиб ётибди. Корхона раҳбарлари эса барча айбни савдо ташкилотларига ағдариш билан овора. Ваҳоланки, улар маҳсулотни ишлаб чиқаришдан аввал бозорни, аҳоли талаб ва истакларини ўрганишлари, рақобатбардош кийим-кечак тайёрлашлари лозим эди.

— Қолоқликнинг яна бир сабаби, ҳар йили корхона ва ташкилот ўртасида шартномалар тузилиб, буюртмалар олинади. Аслида бу ҳужжатлар хўжакўрсинга имзоланади. Агар йил охирида шартномани бузган томондан жарақлатиб жарима ундириб олинганда эди, аҳвол бошқача бўларди.

Шаҳрисабз консерва заводидаги манзара ҳам «Санам»дагидан қолишмайди. Бир вақтлар унинг маҳсулотлари ниҳоятда харидоргир, айниқса, сервитамин шарбатлари, турли-туман консерваларига талаб катта эди. Айни пайтда «Шаҳрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган бу жамоа вилоятдаги қарздор корхоналар рўйхатидан муқим ўрин эгаллаб турибди. Дебиторлик қарзлари 32,5 миллион сўмни, кредиторлик қарзлари эса 103 миллион 598 минг сўмни ташкил этади.

— Шунча миқдордаги қарз билан корхона қандай фаолият юритмоқда? Жамоанинг куни қандай кечаётир? — деб сўрадик ҳисобчи Вали Раҳимовдан.

У эса жамият раиси Неъмат Исмоиловнинг тадбиркорлиги, ташкилотчилиги туфайли иш юриб турганини айтишдан нарига ўтолмади.

Ҳақиқатан ҳам шундаймми?

Уч-тўрт йил муқаддам бу ерда жамоа хўжаликларидан келтирилган узум, мева ва сабзавот маҳсулотлари жуда арзон нархларда қабул қилинарди. Шу боис бора-бора айрим хўжаликларнинг олган даромадлари ҳатто транспорт харажатларини ҳам қопламай қўйди. Лекин консервачилар бундан сира зиён кўрганлари йўқ. Аксинча, хўжаликларнинг зарари корхонага катта фойда келтира бошлади. Бундан руҳланган жамият раҳбарлари қўша-қўша енгил машиналар, қимматбаҳо идоравий жиҳозлар сотиб олишга берилиб кетишди.

Аммо хўжалик раҳбарлари ҳам анойи эмас. Фойда кўрмагач, 1996 йилдан бошлаб корхонага топшириладиган маҳсулот ҳажмини кескин озайтиришди. Масалан, мева ва узум уч баробар, сабзавот 4 баробар камайтирилди. Бу ҳол, негадир, жамият раҳбарларини ташвишлантирмаяпти.

Маълумки, консервалар ва шарбатларнинг сақланиш муддатлари бўлади. Бу ерда эса сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани, улар қўпол идишларга қадоқланаётганлиги, чиройли безаклар берилмаётганлиги туфайли харидорлар келмай қўйди. Оқибатда шу йилнинг биринчи чорагида корхонада 11 миллион сўмликдан кўпроқ муддати ўтган консервалар, шарбатлар, томат пастаси туриб қолди. Ҳозирги кунда ҳам омборларда 66,5 миллион сўмлик тайёр маҳсулот эгасини кутмоқда. Уларнинг қанчаси истеъмолга яроқли-ю, қанчаси яроқсизлигини ҳеч ким билмайди. Чунки икки йилдан буён корхонанинг молиявий, ишлаб чиқариш соҳаси назоратдан ўтказилган эмас.

Корхонада вужудга келган бундай аҳвол унга маҳсулот топширган хўжаликларнинг иқтисодига ҳам салбий таъсир қилди: улар ҳанузгача тегишли ҳақларини ололмай юришибди.

Бу ҳақда юқори ташкилотларнинг раҳбарлари ўйлаб кўришлари, тегишли чора-тадбирлар белгилашлари лозим. Бўлмаса иккала корхонада ҳам аҳвол ўзгармай қолаверади.

**П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

***Чуст туман прокуратураси қошида ҳуқуқ билимлари халқ университети фаолият кўрсатмоқда. Машғулотларга қизиқиш катта. Тингловчилар сафи тобора кенгайиб бораётир.***

Бу ерда дастлаб туман ва шаҳар ҳокимликлари масъул ходимлари, корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарларига сабоқ берилган бўлса, иккинчи босқичда бош ҳисобчилар, банк, молия-кредит, солиқ идоралари хизматчилари ҳуқуқий билимларини оширдилар. Айни пайтда хотин-қизлар кенгашлари, ЗАГС бўлимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раҳбарлари ўқишга жалб этилган.

— Одамларга нафимиз тегаётганидан мамнунмиз, -- дейди туман прокурори Фахриддин Бойзоқов. -- Университет машғулотларига вилоят прокуратураси ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот органларидан мутахассисларни таклиф қилиб турибмиз. Келгусида пойтахтдан етук ҳуқуқшунос олимларни ҳам бу ишга жалб этиш ниятидамиз.

**Абдуҳошим МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Яқинда Наманган вилоятидаги Нанай қишлоғида янги, муҳташам маънавият маркази биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда маданият уйи ва кутубхона сингари зиё масканлари жойлашган. Марказ қошида «Нигоҳ» ҳаваскорлик театри ҳам ишлаб турибди.

*СУРАТЛАРДА: маънавият маркази раҳбари Санъатхон Зиёбоева бу ерга ташриф буюрган одамлар билан мулоқотда; марказ залида; бинонинг ташқи кўриниши.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.**





## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

***Тўрткўл шаҳрида қурилаётган тиббиёт билим юрти биносида сўнгги пардозлаш ишлари бошланди.***

*Тўрт қаватли бу билим маскани мамлакат мустақиллигининг олти йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади. 720 нафар талаба кенг ва ёруғ хоналарда ўқишни бошлайди.*

*1997 йил — Инсон манфаатлари йилида Қорақалпоғистонда даволаш муассасалари ва мактаблар қуришга, аҳолини уй-жой, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Байрамгача бешта врачлик пункти, Нукус шаҳрида 150 ўринли поликлиника ишга туширилади. Чимбой ва Қораўзак туманларида ҳам янги мактаблар ўқувчиларни ўз бағрига олади. Олис овулларга 140 километрлик газ, 55 километрлик сув қувурлари тортилади.*

**А. ИСКАНДАРОВ.**

### ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛДИ

***Пешку туманидаги Куёвхўжа қишлоғида яшовчи ёшлар ўқиш учун 3-4 чақирим наридаги билим масканига қатнар эди. Яқинда бу ерда 422 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.***

*Мазкур иншоотни вилоятдаги 20-қишлоқ қурилиши трестининг 6-механизациялашган кўчма жамланмаси қурувчилари қисқа фурсатда қуриб битказишди.*

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### САНОАТНИНГ ҚИШЛОҚҚА ОДИМИ

***Норин туманида аҳолининг вақтинчалик ишсиз қолган қисмини меҳнатга жалб этиш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

*Кичик-кичик саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари ташкил этилаётгани бунинг исботидир.*

*Яқинда аҳоли гавжум яшайдиган Норинкапа қишлоғида яна бир саноат корхонаси ишга туширилди. Бу ерда йилига 100 минг деколитр лимонад ва бошқа яхна ичимликлар ишлаб чиқарилади. Корхонада ҳозир 50 нафардан зиёд киши ишламоқда.*

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«Средазцветметэнерго» акционерлик жамияти корхоналари ишлаб чиқараётган товарлар ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматга эҳтиёж катта. Бу товарлар хорижий мамлакатлар томонидан ҳам харид қилинмоқда.**





45 йил олдин ташкил топган «Средазцветметэнерго» акционерлик жамиятидай довруқли бирлашма олдида ҳам ишлаб чиқарган маҳсулоти ва кўрсатадиган хизмати учун мижоз излашдай муаммо пайдо бўлади, деб ким ўйлабди дебсиз? Тағин денг, маҳсулотларини чиқариб турибди, аъло сифатли сервис хизмати кўрсатиш қувватига эга.

Тўғри, ортиқча ваҳимага ҳам ўрин йўқдай, акционерлик жамиятида ишлар ўз йўлида кетяпти, жамоа бояги-боягидай ишлаб турибди, ишлаб чиқариш ҳажмлари бажариляпти, даромад келтириш режалари ҳам муваффақиятли уддаланмоқда. Мижозлар доираси ҳам ноligулик эмас. Ахир ЎзКТЖМ, ТАПОиЧ, Олмалиқ ва Навоий тоғ металлургияси комбинатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзмашсаноат» уюшмаси корхоналари сингари ҳамкорларга эга бўлишнинг ўзи кўнгилга мамнуният бағишлайди.

Ҳамкорлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Акционерлик жамиятининг маҳсулоти ва кўрсатадиган хизматига зарурати бор биртлай корхоналар, афсуски, вақтини аямай бошқа республикаларга қатнаб, валюта сарфлаб, ўша ёқлардан товар олиб келяпти. Аслида эса улар бу нарсаларни шундоқ ёнгинасидан, ўз сўмимизга, бунинг устига, арзон ва сифати кафолатланган ҳолда топишлари мумкин.

Ҳа, бирлашма маҳсулотлари чиндан ҳам арзон. Уларни харид қилган ватандошларимиз, яъни мижозлар бiratўласига божхона, транспорт ва бошқа ортиқча харажатлардан қутулади, ишончли сервис хизматини топади. Бироқ маълум бўлишича, мазкур бирлашма тўғрисида ҳали эшитмаганлар ҳам оз эмас экан.

Балки бу хулоса кимларгадир баҳслидай ҳам бўлиб туюлар. Ахир, бу гап ўтказилган махсус сўровлар ёки бирон-бир давлат комиссиясининг чиқарган хулосаси эмас-да... Лекин ҳатто республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли мазкур бирлашмада мамлакат энергетиклари учун ғоятда зарур ишланмалар мавжудлигини билишмагач, яна нима дейиш мумкин? Ҳолбуки, «Средазцветметэнерго»чиларнинг фаолиятидан яқиндан хабардор бўлиш бу ердагиларнинг бевосита касб бурчларига киради.

Хуллас, бундай масалаларни муайян уюшмаларга бирлашиб, марказлашган ҳолда ҳал этишнинг пайти келди. Ҳеч бўлмаганда, аввалдан ўзаро анъанавий алоқалари бор саноат ва уларга ҳамкор мажмуалар ўртасида шундай марказларни ташкил этиш ўринли бўлади. Бу қандай тузилма бўлишининг аҳамияти йўқ, муҳими, унда тайёрланадиган маълумотлар имкон қадар тўлақонли, мутлақо ишонарли ва, албатта, тавсиявий, мазмунли бўлиши лозим. Балки у йилнинг ҳар чорагида янгиланиб туриладиган идоралараро, ўқилиши қулай, маълумотларга тартиб берилган каталог бўлиши мумкин. Бундай тўплам, шак-шубҳасиз, ишлаб чиқариш жабҳасидаги ҳар бир раҳбар учун зарур қўлланмадай асқотади. Дарвоқе, таркибида улкан корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари бўлган Идоралараро кенгаш мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаларини ташкил этиш, турли-туман семинарлар ўтказишнинг ташаббускорлари бўлиб чиқишлари мумкин. Фақат бунда қуюшқондан чиқиб, ўта ташкилотчи бўлиб кетилмаса, бас. Шу билан бирга, бу жабҳада, айниқса, матбуот фаол тарғиботчилик хизматини қилиши қандай яхши! Бундай тадбирларга эса маблағ, ишончимиз комилки, албатта, топилади. Сабаби — ишнинг бу тарика йўлга қўйилишини хоҳловчилар сони кун сайин кўпайиб боради.

«Средазцветметэнерго» акционерлик жамияти бундай фикрни энг биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаб чиқди. Жамиятнинг унга қизиқиши ғоят кучли. Уларнинг 1997-2002 йиллар учун тузилган бизнес-режаси билан танишиб чиқдим. «1990 йил даражасидаги таъсир кўламига эришиш», «маҳсулотни сотиш учун янги бозорларни қўлга киритиш», «барқарор алоқалар ўрнатиш», «барқарор тусдаги маҳсулот бозорларини ташкил этиш»... сингари иборалар унда қўшиқ нақоратидай тез-тез такрорланиб туради. Демак, бундай тадбиркорлик керак ва сув билан ҳаводай зарур, негаки, унутилган ҳар бир зарур халқани қайта тиклаш — бу қўшимча миллионлаб сўм даромадга эришиш демакдир.

Шу ўринда, мавриди келган экан, шу ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари ва хизмати бозорига зоҳиран бир назар ташлайлик. «Средазцветметэнерго» таркибида 15та турли йўналишдаги корхона бор. Маҳсулот ва хизмат турлари кутилмаган даражада хилма-хил. Ҳа, кутилмаган даражада, негаки, бу ерда радио-изотопли ва шунга ўхшаш бошқа мураккаб асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш билан бир қаторда деворбоп тошлар, тери ва газламалардан буюм-товарлар тайёрланади. Ёки хилма-хил объектларда таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш билан бир вақтда иссиқлик-энергетика жиҳозлари, компрессорлар, трансформаторларни қайта тиклаш, қозонагрегатлар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланилади. Умуман олганда эса, бирлашманинг маҳсулотлари ва хизмати мутлақо ўзига хос йўналишда. Бу ерда асосан электр ва иссиқлик-энергия тизимларини таъмирлаш, уларга мос жиҳозларни созлаш-тузатиш, шу соҳаларга оид лойиҳалаш-конструкторлик ишланмаларини тайёрлаш, шунингдек, юқоридагиларга турдош буюмларни ва ноандозавий ускуналарни ишлаб чиқаришга йўналтирилган ихтисослашган бўлинма тузилмалари мавжуд. Бироқ бозор бозор-да, у билан баҳс қилиш фойдасиз. Шу боисдан бу ерда шлакоблок ғиштлар, халатлар, қўлқоплар ҳам тайёрланмоқда...

Акционерлик жамияти фаолияти: иссиқлик энергияси, электр энергияси, машинасозлик, металлургия ҳамда ТНП ишлаб чиқариш каби бешта йўналишга бўлинади. Дастлабки тўрт йўналиш бўйича товар тарқалиши миқдори ўтган йиллар даражасида сақланиб турибди. Иситувчи қозонларнинг асбоб-ускуна тизимларини, фойдаланилаётган қурилмаларни, бошқа иссиқлик ва электр энергияси агрегатларини тўла таъмирлаш ва созлаш бўйича аввалдан ҳамкорлик қилиб келинаётган буюртмачилар билан алоқа узилгани йўқ. Айрим кичик ўзгаришлар ҳам бор, албатта. Масалан, иссиқлик энергияси бўйича иш ҳажмлари камайиши тахмин қилинмоқда. Бунинг сабаби шуки, ана шу йўналишдаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи жаҳон миқёсига кўтарилди ва буюртмачиларнинг тўлов қобилияти етарли эмас. Бундай аҳволдан чиқишнинг йўли эса МДҲ давлатлари ва, энг аввало, Қозоғистондаги тўлов қобилияти етарли нефть-газ мажмуаларидан истеъмолчилар излашдир. Бозорларда электр двигателларнинг камайиб кетиши ҳозирда фойдаланиб келинаётган электр машиналарни **тўла таъмирлаш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ хизмат турларини ҳам ривожлантиришни тақозо этади. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва тежаш билан боғлиқ асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, шунингдек, электр жиҳозларни муҳофазаловчи махсус қурилмаларни жорий этиш йўл-йўриқлари ҳам самаралидир. Хорижий электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш ҳам ривожлантирилиши керак. Металлургия жабҳасида эса герман молдаси аралаш концентратларни ишлаб чиқариш, айниқса, мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги бозорда бундай маҳсулотга эҳтиёж катта. Бироқ уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бирлашма бундай таркибли хомашё билан таъминланиши зарур, бунинг устига, келтирилган хомашё нархи ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги манфаатларига мос бўлиши керак.**

Хуллас, ҳозирги кунларда бирлашма фаолияти ўз маромида кетяпти. Ишлаб чиқариш етарли даражада йўлга қўйилган, унинг барқарорлиги нисбатан кафолатланган, мабодо узилиш рўй берадиган бўлса, бунинг бирдан-бир сабабчиси ТНП бўлиши мумкин. Энди бозордаги рақобат масаласини кўздан кечирайлик. Бу — анча жиддий ва келажагини башорат қилиб бўлмайдиган масала. «Средазцветметэнерго» бўлинмалари фаолиятига, айниқса, Россиядан янада арзон нархдаги маҳсулотларнинг оқиб келиши панд беришини кутса бўлади. Бунинг хатарлилик даражаси кўпгина омилларга ҳам боғлиқ. Хуллас, бу ўринда мазкур акционерлик жамиятининг раҳбарияти ёруғ келажакка умид боғлаб яшашига ҳам тўғри келади. Айни пайтда имкон бор жойда, маҳсулотлар ва хизмат турларининг аъло сифатли бўлишига эришиш ва уларнинг бозор нархларидан арзонроқ бўлишини таъминлаш каби рақобатда устунликка эришиш йўлларидан ҳам бориш керак. Йўллар изланмоқда. Масалан, бирлашма бугун ўз маҳсулотлари ва кўрсатажак хизматини реклама қилишга ҳам харажатлар қилмоқдаки, беш йил олдин бундай хатти-ҳаракат кишида енгил табассум уйғотар эди...

**Ш. БОЙБЕКОВ.**

ЭНГ АРЗОН НАРХЛАР,
ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ,
ЭНГ ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ



U-TEL уяли тармоқ Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 6 йиллиги билан қутлайди ва байрамолди нархлар арзонлаштирилганини маълум қилади.

радиотелефонларнинг нархлари ўртача **30%** арзонлашган;

тармоққа уланиш нархи ўртача **45%** камайтирилган;

Уланишнинг арзон нархи



Motorola Elite
Motorola Alpha
Ericsson 318

| | |
|---|---|
| конференц-алоқа | БЕПУЛ |
| уланишни кутиш | БЕПУЛ |
| pin-код ҳимоясини ўрнатиш | БЕПУЛ |

Махсус белгиланган нархлар 1997 йил 4 августдан 2 сентябргача ҳақиқий ҳисобланади.

БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛСАНГИЗ, АЛБАТТА, МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНАСИЗ!

Ўзбекистон Республикаси, 700115, Тошкент шаҳри, Гагарин кўчаси, 40-уй.
Телефонлар: (3712) 126-66-00, 777-688, 777-638, 778-688, Факс (3712) 406-504

Ҳақ сўмда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўланади.

U-TEL
УЯЛИ АЛОҚА

UZDUNROBITA®
cellular

**Янгийўлда - уяли телефон алоқаси!**





**Янгийўл шаҳри ҳамда яқин атрофдаги аҳоли пунктларида яшовчилар учун биринчи марта катта қулайлик яратилди: улар "Ўздунробита" қўшма корхонасининг абонентларига айлангач, битта уяли радиотелефон сотиб олиш орқали бирйўла иккита — Тошкент ва Янгийўл уяли абонент номерига эга бўладилар. Натижада Тошкент билан шаҳарлараро кодсиз боғланиш имкони туғилади. Сиз учун бу — анчагина маблағни тежаш демакдир!**





*Тошкент вилояти аҳоли пунктлари учун 1997 йил 25 майдан бошлаб Янгийўл шаҳрида "Ўздунробита" қўшма корхонаси уяли алоқа хизматининг янги тизими амал қилмоқда.*

Шахсий уяли радиотелефон сотиб олиш, уни ишга тушириш ва абонентлик хизматига улаш билан боғлиқ барча масалалар бўйича "Ўздунробита" қўшма корхонасининг Янгийўл шаҳридаги мижозларга хизмат кўрсатиш марказига мурожаат қилинг. Бу ерда Сиз савдодаги радиотелефон ускуналарининг намуналари, уларнинг нархи ва имкониятлари, шунингдек, ўзаро контракт шартлари ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

*Манзилимиз: Янгийўл шаҳри, "Самарқанд" кўчаси, 187, I - қават.*
*("Семурғ" АТПО биноси, собиқ "Янгийўлсавдо.")*
*Бизнинг телефонлар: Тошкентда - (3712) 301536, Янгийўлда - 41536*

● ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

# ОНА ЮРТ

*Она юрт, оҳ, она юртим,*
*Тупроғингдан айланайин.*
*Гоҳ яшил, гоҳ ранги сариқ*
*Япроғингдан айланайин.*

*Чўққисида қуёш ётган,*
*Оймомони кўкка отган,*
*Тоғларин сизлаб уйғотган*
*Булоғингдан айланайин.*

*Қон йиғлаган улуғ тарих,*
*Фиғонларга тўлиқ тарих.*
*Мудом тирик, тирик тарих,*
*Гувоҳингман айланайин.*

*Тўмарисдек момоларим,*
*Яшил дурра самоларим.*
*Менинг Момо Ҳаволарим,*
*Имонингдан айланайин.*

*Спитамен ўпган тупроқ,*
*Намоз кўз ёш тўккан тупроқ,*
*Бобур соғинч эккан тупроқ,*
*Титроғингдан айланайин.*

*Оққан тери маржон бўлган,*
*Эгатларида сарсон бўлган,*
*Қадри арзон-арзон бўлган*
*Аймоғингдан айланайин.*

*Тиллоларинг суйди ғаним,*
*Боланг ризқин қийди ғаним,*
*Синдирмади, синди ғаним,*
*Бардошингдан айланайин.*

*Боболарим сурдилар от,*
*Мағриб, Машриқ қилурлар ёд,*
*Кўлтиғида қирқ газ қанот,*
*Буроғингдан айланайин.*

*Дунёи дун гоҳ ош берар,*
*Гоҳ тош берар, кўз ёш берар.*
*Кўл силтаб, сўнг бардош берар,*
*Қийноғингдан айланайин.*

*Қанча кутдим, қанча кутдим,*
*Қанча хўрлик, алам ютдим.*
*Битикларни қон-ла битдим,*
*Азобингдан айланайин.*

*Сен онамсан, сен оримсан,*
*Сен мадорим, сен боримсан,*
*Сен бешигим, мозоримсан,*
*Кучоғингдан айланайин.*

*Бугун қалбда қуёш меҳмон,*
*Қирларингда чайқалар дон,*
*Ҳурлигим -- кўзга сурган нон,*
*Ўчоғингдан айланайин.*

*Болам елка қисмай ўсар,*
*Тилларида булбул жўшар,*
*Шамол хур-хур, хур-хур эсар,*
*Гиёҳингдан айланайин.*

*Руҳим қуши ором туйган,*
*Шабнамларга юзин ювган,*
*Ҳур тўлқинлар бошин қўйган*
*Қирғоғингдан айланайин.*

*Самоларга етди сўзим,*
*Дунёларни тутди сўзим,*
*Яшил туғли ўзбек ўзим,*
*Байроғингдан айланайин.*

*Мен бағрингда митти гиёҳ,*
*Сен улуғим — менга паноҳ.*
*Ялпиз исли шеърим гувоҳ,*
*Сиёҳингдан айланайин.*

**Шарифа САЛИМОВА.**

SPORT ● СПОРТ ● SPORT

**Дунё фани ўзининг сир-синоатлари билан ҳамиша одамзодни ҳайратга солиб келган. Шуниси ҳам борки, биз кутилган воқеалардан кўра кутилмаган натижалар устида кўпроқ таажжубланамиз. Масалан, ўзимизнинг Руфат Рисқиев рингда бир қўли синган ҳолда жаҳон чемпиони бўлганлигини эшитганимизда «Э-эй, балли....» дегандик. Юртдошимизнинг иродаси бутун оламни қойил қолдирганди. Орадан бироз вақт ўтиб Американинг энг бадавлат спортчиси -- профессионал баскетболчи Межик СПИДга йўлиқди. Яна елка қисиб иккиландик. Бу фожианинг оқибати ҳали тўла ойдинлашмасдан рус футболчиси Игорь Беланов Германияда (ГФР) дўконга ўғирликка тушди. Суд бу қилмиши учун Белановнинг обрўсини чил-парчин этди.**

Аслида, машҳурликнинг юки ҳам оғир. Уни орқалаб юриш сиз билан биз ҳавас қилгандек мазали ва осон эмас. Енгилмас шоҳмотчи Анатолий Карпов жаҳон чемпиони бўлгач, Брежневдан яшикдек семиз хат олганди. Бунга жавобан Карпов «ўла-ўлгунимча тожни ҳеч кимга бермайман», деганди. Бўлмади. Вақт ўтиб Карповдан ҳам зўри майдонга чиқди. Гроссмейстердан анча ёш бўлган Гарри Каспаров Карповни қуриган чўпдек «синдирди». Яхшиямки, Брежнев ўлиб кетди. Бўлмаса Каспаровга шкафдек раҳматнома жўнатармиди...

Ёзаверсанг, спорт оламида ақлга сиғмайдиган шов-шувлардан «тонналаб» топиш мумкин. Кўпчилик эшитгандир, марҳум шарҳловчи Николай Озеров стол тенниси бўйича 45 бор собиқ СССР чемпиони бўлган. Бироқ Европа ва жаҳон биринчиликларида унинг ўрни ҳам, номи ҳам йўқ. Бунисига нима дейсиз? Яна бир гап. Эҳтимол, бунга ҳеч ким ишонмас. Леонид Брежнев «подшолик» даврида америкалик машҳур муштумзўр Брус Ли билан алоқа қилиб, уни ўзига тан қўриқчиси қилиб олишни режалаштирган экан. Аммо Ли 1973 йилдаёқ ўлиб кетди.

Бундан тахминан 18-19 йиллар олдин бодибилдинг бўйича ўтказилаётган нуфузли мусобақага тайёргарлик кўраётиб болгариялик семизполвон Трилер бир кечанинг ўзида 8 килоға яқин озганди. Оламнинг ярмини сув, дейишади. Шундай бўлганда ҳам бир кечада шунча оғирлик ташлаш бир пиёладаги сувни осонгина сепиб юборишдек енгилмас-ов...

Ҳиндистонлик машҳур Йог Харидазанини эслайлик: у қирқ кун мобайнида тупроқ остида оёқ-қўлларини чалкаштириб, нилуфар ҳолатида ётди. Устидан зичлаб буғдой ҳам экиб ташланди. Барибир ўлмади. Шогирдлари 3 кун деганда асл ҳолатига қайтаришди.

Европалик «машҳурлик» мазахўрларидан бири, каскадёр Томас етти қаватли иморатнинг тепасидан оёқ яланг ерга сакради. Ҳеч бир жойи лат емади. Номи дунёга достон бўлди, холос. Футбол қироли Диего Марадона эса жаҳон чемпионатида қўли билан дарвозага тўп киритиб чемпион бўлди. Бунга жавобан инглиз мухлислари унинг қўлини синдириш учун «юриш» бошламоқчи бўлиб турганда, «қирол» иккинчи голни чунонам чиройли урдики, англияликлар унга хат йўллаб, «синдириш» қароридан қайтишганлигини ошкор этишди.

ХХ аср спортига оид мўъжизалар Ўзбекистон тарихида ҳам кам эмас. «Пахтакор» футбол командасининг мураббийлари собиқ СССР даврида қарийб 15 йил ичида 28 марта ўзгартирилди... маҳоратли ҳужумчимиз Геннадий Красницкий замондошларини лол этиб кучли зарбаси билан ҳали ҳеч ким қилолмаган ишни қойилмақом эплаб, дарвоза тўрини йиртиб юборди. Бироқ пешонаси шўр экан, ўз ҳаётига ўзи зомин бўлди. Баланд уйнинг деразасидан сакраб фонийликни тарк этди...

... Ана шунақа гаплар. Машҳурликда, улуғликда машҳурмасларга, улуғмасларга ёт бўлган синоатлар тиқилиб ётибди. Уларнинг адоғи шон-шуҳратга бориб тақалади. Акс ҳолда, жаҳон чемпиони Майк Тайсонга рақиби Холифилднинг қулоғини тишлаб олиш, симтўрли либос кийиб, кенгуру билан рингга чиқиш нима учун керак эди? Мана шундай тасодифий воқеалар эвазига Холифилднинг номи замондошларимиз ўртасида яна бир бор жаранглайдиган бўлди. Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штатидаги ширинликлар тайёрлайдиган мутахассислар «Холифилднинг тишланган шоколад қулоғи» деган мазали конфетлар тайёрлашди ва савдога чиқаришди. Ҳозирча чемпионнинг қулоғи харидоргир бўлиб турибди.

# ТАЙСОНЧА МАҒЛУБИЯТНИНГ «ШУҲРАТИ»

**Нормурод МУСОМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

ТИФЛОКС

Бактерияга қарши восита қуйидаги вазиятларда қўлланилади:

- ич терлама;
- септицемия;
- инфекция;
- сийдик-жинсий;
- суяклар, бўғинлар;
- қуйи нафас йўллари;
- тери, юмшоқ сирт;
- иммунитети сусайган беморни профилактика қилиш.

ДОЗА

5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка

сурхан аджанта фарма лимитед



*Лазгига чалинг, лазгига...* Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ *олган сурат.*

# АЖИБ МУСИҚАЛАР ДИЁРИ

**Индонезия нафақат ўзининг гўзал ва мафтункор табиати, қадимий навқирон обидалари, балки дилтортар мусиқалари билан ҳам оламги танилган. Тўғри, Индонезия қуй-қўшиқлари янграганда, биз уларни тушунмаслигимиз мумкин, лекин юрагимиз билан ҳис қиламиз, қалбимиз билан эшитамиз. Мусиқанинг бошқа санъатлардан устуворлиги ҳам ана шунда -- таржимонсиз тушунилишидадир.**

Индонезиянинг қоқ марказида жойлашган Суракарта санъат даргоҳи коллеж деб аталса-да, аслида олий маълумот беришга асосланган. У 1992 йили собиқ Суракарта академияси негизида ташкил этилган бўлиб, мамлакатнинг намунали санъат мактабларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун у ерда дунёнинг турли давлатларидан борган талабалар ҳам таҳсил кўришади. Ўқув машғулотларини олий тоифали, профессионал ўқитувчилар олиб борадилар. Коллеж айни пайтда илмий лаборатория вазифасини ҳам ўтайди.

Бу ерда ансамбль ҳам ташкил этилган. У қадимий ва замонавий мусиқа анъаналарини уйғунлаштира олгани жиҳатидан мамлакатда ягона саналади. Ансамбль 1979 йилдан то шу кунгача 17 та халқаро мусиқа фестивалида қатнашган. Қуйида ана шу ансамбль аъзолари ва коллеж ўқитувчилари билан танишасиз. Улар Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этадилар.

**Ненгах МУЛИАНА.** Ёшлигидан мусиқа шайдоси бўлган. Ҳозирда ўзи ўқиган Суракарта олий мусиқа мактабида муаллим. Франция, Бельгия, Италия, Швейцария, Шотландия ва Австралияда ўтказилган йирик мусиқий тадбирлар иштирокчиси.

У асосан замонавий мусиқалар ёзади. «Мен замонавийликда қадим анъаналар ва услубларни кўраман», -- дейди унинг ўзи бу ҳақда. Ненгах «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига алоҳида тайёргарлик кўрмоқда.

**Ходи БОЕДИНО.** Оилада 5 нафар ўғилнинг энг кичиги. У ўқувчилик йиллариданоқ мусиқага меҳр қўйган ва қатъий шуғуллана бошлаган. Сўнг орзулари ушалиб, Суракарта олий мусиқа мактабини тугаллади. Айни пайтда ўзи ўқиган мазкур даргоҳда талабаларга мусиқадан сабоқ беради. Канада, Япония, Испания, Гонконг давлатларига сайёҳ сифатида ташриф буюрган. Кўпгина ажойиб мусиқалар ёзган. Чунончи, 1994 йили Богобудирда бўлиб ўтган фестивал у ижод этган мусиқа билан очилган. Ходи Самарқанд фестивалида ҳам ўзининг бетакрор мусиқий асарлари билан қатнашади.

**Кукуп КАХИПИИ.** Суракарта коллежига келгунига қадар турли мусиқа мактабларида ўқиган. Ҳам ижод, ҳам илм ( коллежда дарс беради) билан астойдил шуғулланувчи Кукуп бўш вақт нима эканлигини билмайди. Австралия ва Жанубий Америкада ўтказилган мусиқа томошаларида ўзининг замонавий қуйлари билан қатнашиб, юксак баҳо олган. «Гангжунг», «Лолай», «Дедерон» каби асарлари санъат мутахассислари ва шинавандаларининг эътирофига сазовор. Табиийки, Самарқанддаги фестиваль кунларида унинг янги асарлари янграйди.

**Жоко ПУРВОИЧО.** Дастлабки мусиқий сабоқни анъанавий мусиқалар консерваториясида олган. Сўнг Индонезия санъат академиясида ўқишни давом эттирган. Ҳозир коллежда муаллим бўлиб ишлайди. Қатор чет эл давлатларида ўтказилган фестивалларнинг фаол иштирокчисидир.

У мусиқасиз бир кун ҳам яшай олмайди. Асарлари ўзига хослиги, оҳангининг ўйноқи ва замонавийлиги билан ажралиб туради.

Жоко саёҳат қилишни яхши кўради. Самарқандни бир кўриш ҳам унинг орзуси эди. «Шарқ тароналари» фестивали бунинг учун имкон яратди. У айни кунларда Ўзбекистон ва Самарқанд ҳақидаги китобларни ўқиб, кинофильмлар томоша қилмоқда. «Дунёга доғи кетган, Самарқанд деб аталмиш жаннатмакон шаҳарни ўз кўзим билан кўриш мен учун бир мўъжизадир», -- дейди у.

**Г. ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДАРВОЗАЛАРГА БИТИЛГАН НАҚШЛАР

**Дарвоза атамаси қадим хоразмийлар тилида «дар» -- эшик, «воза» -- очиқ деган маънони англатган. Қалъа ва карвонсаройлар дарвозаларидан от ва туялар, бутун бошли карвонлар, тўп-тўп навкарлар кириб чиққан. Тарихий манбаларда ва халқ оғзаки ижоди намуналарида Хиванинг 4,10, ҳатто 14 та дарвозаси бўлганлиги тилга олинади.**

Ўзбек Миллий Қомусининг 3-жилди, 561- саҳифасида эса Хиванинг 4 та дарвозаси ҳар куни қоронғу тушиши билан ёпилиб, эрталаб барвақт очилган ва уни доимий қўриқловчи дарвозабонлари бўлганлиги ҳақида маълумотни ўқиймиз.

Дарҳақиқат, қалъа дарвозалари замона зайлига, ҳоким ва хонлар майлига қараб қурилган, ўзгартирилган. Айрим даврларда эса мамлакат куч-қудратининг тимсолига ҳам айланган. Дарвозалар ҳарбий-стратегик истеҳком воситаси бўлиб, қалъани қўриқлишда муҳим аҳамият касб этган, ундан кимлар кириб-чиққанлиги ҳам назорат қилиб борилган. «Шаҳар бедарвоза эмас» дейилишининг боиси ҳам шундан.

Қадимий Хива қалъаси атрофларини ҳандақлар (чуқурлиги 3-4, эни 30-40 метрли), доирасимон ҳовузлар, баландлиги 7-8 метрли қалин деворлар қуршаб турган. Мозийда унинг атиги 2 та дарвозаси мавжуд, бўлганлигини орхеологиг-олимлар қайд этирган. Дарвозаларнинг бири жануб, яна бири эса шимол томонга қаратиб қурилгани ҳам маълум. Шимолий дарвоза доимо берк турган ва ўрта зарур дамлардагина махсус рухсат билан очилган. Буни эрамиздан олдинги II аср ва эрамизнинг IX-XIV асрларида ўлкамизга ташриф буюрган Хитой сайёҳи Ван Гу, араб олимлари Мақсудий, Ибн Фазлон, Хавқал, Ибн Батута ва бошқалар йўл хотираларида ёзиб қолдирганлар.

Жаҳон халқлари тарихида у ёки бу ҳукмдор биронбир юриш ва зафар муносабати билан ғолиб армия навкарларини кутиб олиш учун махсус арк-дарвозалар барпо этган. Бундай удум Хоразмда ҳам бўлган. Ичон (ичкари) қалъанинг 4 та дарвозаси чор тарафга қаратиб қурилган. Дешон (ташқари) қалъадаги 10 та дарвоза эса Хива хонларининг сўнгги 350-400 йили мобайнида бунёд этилган бўлиб, даврнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларини яққол акс эттиради.

Ичон ва Дешон қалъа дарвозалари қўшалоқ номлар билан номланган. Чунончи, Полвон дарвозани Ҳазорасп, Тош дарвозани Кўҳнабозор, Қўшадарвозани Орқа, Қумёсқа дарвозани Ёп, Янгиариқ дарвозасини Қўй, Шоҳимардон дарвозани Қибла дарвозалари деб ҳам аташган. Бундан ташқари, шаҳарнинг Ясовул боши, Гандимён, Шайхлар, Жалил эшон, деб аталувчи дарвозалари ҳам бўлган. Минг афсуски, уларнинг аксарияти ер билан яксон бўлиб кетган. Мазкур дарвозаларнинг кўпчилиги Муҳаммад Раҳимхон, Оллақулихон ва Амин хон ва Мадаминхон ҳукмронлиги пайтида бино этилган ёки қайта таъмирланган.

1873 йил май ойида Русия истилочилари Хиванинг шимолий ва шарқий дарвозаларини замбараклардан ўққа тутдилар, галваник миналари билан портлатдилар. Натижада бебаҳо санъат асари ҳисобланган меъморий обидалар зарар кўрди.

Хива дарвозаларига битилган ўйма нақшлар халқ амалий санъати, нодир истеъдоди ва иқтидорининг жонли намунаси сифатида шаҳар меҳмонлари ва сайёҳларни ўзига мафтун этиб келади.

Бугун -- катта тўй олдидан дарвозалар таъмирланиб, асл ҳолига келтирилмоқда.

**Комилжон НУРЖОНОВ,**
**Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси.**

РАНГ-БАРАНГ, ЁҚИМЛИ ҚЎШИҚЛАР



CD+OK



Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | Тошкент | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | Тошкент | "Эскижўва" кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | Тошкент | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | Фарғона | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | Андижон | "Мустақиллик" кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

**CD+OK тизимида CD-ROM компакт-дискларнинг энг янги технологияси қўлланилади. 1 та дискда энг оммавий 800 та рус тилида ва 277 та инглиз тилидаги қўшиқ бор бўлиб, уларга хилма-хил рангли тасвирлар илова қилинади.**

Technology that works for life

SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Т. Абдураҳмонов.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ —А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6